


## Х. НАРХЛАР

### 1- БЎЛИМ. ИСТЕЪМОЛ НАРХЛАРИ

**Йиғма истеъмол нархлари индекси (ИНИ)** озиқ-овқатлар, кийимлар, турар жой, транспорт, соғлиқни сақлаш хизматлари каби одатда якуний истеъмолчи томонидан сотиб олинган товарлар ва хизматлар кенг турларининг нарх ўзгаришларини қамраб олади. Йиғма ИНИ нафақат инфляциян жараёнларни баҳолаш учун, балки мамлакат умумий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини баҳолашга ёрдам берадиган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири сифатида ҳам фойдаланилади.

2024 йилнинг январь-декабрь яқунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси бўйича йиғма ИНИ 2023 йилнинг декабрига нисбатан 109,8 % га етиб, 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан 1,0 фоиз бандга баланд, 2022 йилнинг мос давридаги кўрсаткичдан эса 2,5 фоиз бандга паст бўлди.

Йиғма ИНИ динамикаси  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан, % да



2024 йил давомида муддатли ИНИ, яъни ойлик нарх ўзгаришларини ифодаловчи кўрсаткич диапазони 102,8 % дан (май) 99,7 % гача (июль) ораликда жойлашди. Мазкур тебранишлар 2024 йилнинг май ойидан электр энергияси ва газ тарифларининг ўзгаришлари ҳамда ёз ойларидаги мавсумийлик омиллари билан боғлиқдир.

2024 йилнинг декабридаги ойлик йиғма ИНИ 2024 йилнинг январь-декабридаги ўртача ойлик кўрсаткичдан 0,2 фоиз бандга баланд бўлди.

#### Йиғма ИНИ динамикаси

(ўтган йилга нисбатан, % да)



(2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



Изоҳ: шу ерда ва кейинги ўринларда ойларнинг тартиби рим рақамларида келтирилган

## Товарлар бўйича ИНИ динамикаси

(ўтган ойга нисбатан, % да)



2024 йилнинг ойлари

(2023 йилнинг мос ойлариغا нисбатан, % да)



2024 йилнинг ойлари

## Хизматлар бўйича ИНИ динамикаси

(ўтган ойга нисбатан, % да)



2024 йилнинг ойлари

(2023 йилнинг мос ойлариغا нисбатан, % да)



2024 йилнинг ойлари



Товарлар бўйича қисқа муддатли ИНИ тебранишлари диапазонни 2024 йилнинг январидан декабригача 99,0 % дан (май) 101,2 % гача (сентябрь ва декабрь) чегарада жойлашди.

Товарлар бўйича ИНИ 2024 йилнинг январь-декабрида 104,7 % даражасида қайд этилди. Бу, 2023 йилнинг декабридани 4,1 фоиз бандга ва 2022 йилнинг мос давридагидан 8,7 фоиз бандга паст бўлди.



Хизматлар бўйича қисқа муддатли ИНИ тебранишлари 2024 йилнинг январидан декабригача 115,2 % дан (май) 100,4 % гача (август) диапазонда жойлашди.

Хизматлар соҳасида инфляция ўсиш суръатининг тезлашиши аҳоли учун электр энергияси, газ ва бошқа хизматлар тарифларининг оширилиши фониди рўй берди. Хизматлар бўйича ИНИ 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан 126,7 % ни ташкил этди.

### Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ динамикаси

(ўтган ойга нисбатан, % да)

(декабрь ўтган йилнинг  
декабрга нисбатан, % да)

#### ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ




**170**

турдаги  
маҳсулотлар



йиллар




2024 йилнинг январь-декабрида озиқ-овқат маҳсулотлари ИНИ 102,4 % ни, ўртача ойлик ўсиш суръати 0,2 % ни ташкил этди. Ушбу ҳолат мева-сабзавотларнинг нархлари ўртача даражасининг пасайиши ҳамда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари турлари нархларининг нисбатан барқарорлиги билан изоҳланади.

#### НООЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАР



**250**

турдаги  
маҳсулотлар





Ноозиқ-овқат маҳсулотлар ИНИ ўртача ойлик ўсиш суръати 2024 йил давомида 0,6 % ни ташкил этиб, гуруҳ бўйича қисқа муддатли ИНИ кўрсаткичи 100,2 % – 101,0 % чегарасида жойлашди.

#### ХИЗМАТЛАР



**90**

турдаги  
хизматлар



Хизматлар бўйича ИНИ 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрга нисбатан 126,7 % ни ташкил этди.

Хизматлар бўйича ИНИ ўртача ойлик ўсиш суръати 2024 йилда 2,0 % га етиб, 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан 1,3 % га баланд бўлди.

ИНИ ва асосий гуруҳлар бўйича нарх ўзгаришларининг  
йиғма кўрсаткич ўсиш суръатига таъсири, % да

декабрь ўтган йилнинг декабрига нисбатан, % да

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ



2023 йилнинг январь-декабрида озиқ-овқат маҳсулотлари ИНИ 102,4 % га етиб, ушбу давр учун 2020 йилдан буён қайд этилган энг паст кўрсаткич бўлди. Озиқ-овқат маҳсулотлари нарх ўзгаришларининг 2024 йилдаги йиғма ИНИ умумий ўсиш суръати тузилмасидаги улуши 11,2 % ни ташкил этди.

НООЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАР



Нооziқ-овқат маҳсулотлар ИНИ 2024 йилда 2023 йилнинг декабрига нисбатан 107,7 % даражасида қайд этилди. Нооziқ-овқат маҳсулотлар нарх ўзгаришларининг йиғма ИНИ ўсиш суръатига таъсири улуши йил давомида 25,5 % га етди.

ХИЗМАТЛАР



Хизматлар нархлари ва тарифларининг ўсиши 2024 йилда сезиларли даражада тезлашди ва уларнинг ИНИ 126,7 % даражасига етиб, йиғма кўрсаткич умумий йиллик ўсиш суръатининг 63,3 % ини таъминлади.


2024 йилнинг январь-декабрида бўлимлар кесимида ИНИ диапазони 102,0 % дан (“Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар” (I) бўлими) 138,2 % гача (“Турар жой хизматлари, электр, сув, газ ва бошқа ёнилғи турлари” (IV) бўлими) чегарада жойлашди. 2024 йил давомида энг паст ИНИ кўрсаткичи “Ахборот ва алоқа” (VIII) бўлимида қайд этилиб, 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ 100,7 % ни ташкил этди.

### Бўлимлар бўйича ИНИ

(декабрь ойида ўтган йилнинг декабрига нисбатан, % да)




#### I. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар



йиллар




#### II. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари



йиллар




#### III. Кийим ва пойабзал



йиллар




#### IV. Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари



йиллар




#### V. Уй-рўзгор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш



йиллар



#### VI. Соғлиқни сақлаш



йиллар


Давоми

**Бўлимлар бўйича ИНИ**

(декабрь ойида ўтган йилнинг декабрига нисбатан, % да)




**VII. Транспорт**



йиллар




**VIII. Ахборот ва алоқа**



йиллар




**IX. Дам олиш, спорт  
ва маданият**



йиллар



**X. Таълим соҳасидаги  
хизматлар**



йиллар




**XI. Ресторанлар ва  
меҳмонхоналар хизматлари**



йиллар




**XII. Суғурталаш  
ва молиявий хизматлар**



йиллар



**XIII. Маиший товарлар  
ва хизматлар, бошқа  
товарлар ва хизматлар**



йиллар


2024 йилнинг январь-декабрида “Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари”, “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар” бўлимларида ИНИ 2023 йилнинг январь-декабридаги кўрсаткичдан сезиларли даражада паст бўлди. “Турар жой хизматлари, электр, сув, газ ва бошқа ёнилғи турлари”, “Соғлиқни сақлаш” ва “Таълим соҳасидаги хизматлар” бўлимларида ИНИ кўрсаткичи 2023 йилдаги кўрсаткичдан баландроқ бўлди.

## I бўлим. “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар”


### 2024 йилда I бўлимда қисқа муддатли ИНИ, % да



### 2024 йилда I бўлимда йиллик ИНИ, % да



### I бўлим гуруҳлари бўйича йиллик ИНИ 2024 йил декабрь, % да



2024 йил давомида I бўлим товарлари нарх динамикасининг хусусиятлари мавсумийлик, бозор конъюнктураси ва бошқа омиллар таъсирида белгиланди. I бўлим бўйича йиллик ИНИ умумий тенденцияси 2024 йил давомида пасайиш томонга йўналди. Умуман, йил давомида ушбу кўрсаткич 6,8 фоиз бандга пасайди (108,8 % дан 102,0 % га).


2024 йилнинг январь-декабрида “Дон экинлари ва ёрма маҳсулотлари” (99,5 % га 109,7 %), “Балиқ ва бошқа денгиз маҳсулотлари” (106,5 % га 107,7 %), “Сут, бошқа сут маҳсулотлари ва тухум” (102,0 % га 111,2 %), “Мевалар ва ёнғоқлар” (81,8 % га 137,1 %) ва “Шакар, қандолат маҳсулотлари ва десертлар” (103,3 % га 109,9 %) гуруҳларида ИНИ 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан сезиларли даражада паст бўлди.

Гўшт ва ёғ-мой маҳсулотлари, аксинча, 2024 йилда бир йил аввалгига қараганда юқорирок қиммат-лашди.

2024 йил давомида буғдой уни, гуруч ва гуруч окшоғи, тухум ва шакар нархларининг ўртача даражаси 3,7-7,3 % даражасида пасайди. Асосий турдаги сут ва гўшт маҳсулотлари нархи аксинча, 2023 йилнинг якунига нисбатан юқорилади.

2024 йилда айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ИНИ, % да


**Гуруч ва гуруч окшоғи**  
2024 йил январь-декабрида **▼93,7%**




**Буғдой уни**  
2024 йил январь-декабрида **▼96,1%**




**Суякли мол гўшти**  
2024 йил январь-декабрида **▲113,3%**




**Қўй гўшти**  
2024 йил январь-декабрида **▲114,6%**




**Хом сут**  
2024 йил январь-декабрида **▲106,0%**




**Тухум**  
2024 йил январь-декабрида **▼92,7%**



**Кунгабоқар ёғи**  
2024 йил январь-декабрида **▲114,6%**



**Шакар**  
2024 йил январь-декабрида **▼96,3%**



—○— 2024 йилда ўтган ойга нисбатан қисқа муддатли ИНИ, % да




Гўшт ва ёғ-мой маҳсулотлари, спиртсиз ичимликлар, шакар, қандолат маҳсулотлари ва десертлар ҳамда сут, бошқа сут маҳсулотлари ва тухум нархларининг ошиши йиғма ИНИни жами ҳисобда 1,71 ф.д. кўтарди. Бошқа гуруҳлар таъсири паст даражада бўлди.

I бўлимга кирувчи товарлар орасида мевалар ва ёнғоқлар ҳамда дон экинлари ва ёрма маҳсулотлари нарх ўзгаришлари 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиғма ИНИга пасайтирувчи таъсир (жами ҳисобда -1,04 ф.д.) кўрсатди.

Сабзавотлар, илдизмевалилар ва дуккакдилар нарх ўзгаришларининг 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ ўсиш суръатига таъсири 0,03 ф.д.ни ташкил этди.

**Таққослаш учун:** 2023 йилда сабзавотлар, илдизмевалилар ва дуккакдилар ҳамда ёғ-мой маҳсулотлари нарх ўзгаришлари I бўлим бўйича йиғма кўрсаткичга пасайтирувчи таъсир кўрсатган. 2023 йилнинг декабрида 2022 йилнинг декабрига нисбатан йиғма ИНИ пасайиши жами таъсири 0,34 ф.д. ни ташкил этган. Шу билан бирга, ёғлар ва мойлар нархларининг пасайиши юқорирок даражада бўлган (-0,28).

**2024 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар асосий гуруҳлари нарх ўзгаришларининг йиғма ИНИ ўсиш (пасайиш) суръатига таъсири ф.д.**



**ЖАМИ ТАЪСИРИ + 0,82 ф.д.**

## II бўлим. “Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари”

Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ИНИ 2024 йилда 110,8 % га етди, ўртача ойлик ўсиш суръати 0,9 % ни ташкил этди.


II бўлимнинг 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиғма ИНИ ўсиш суръатига жами таъсири 0,08 ф.д.ни ташкил этди.

2024 йил давомида II бўлимда нархларнинг энг юқори ўсиш суръати октябрь ойида (101,4 %), энг пасти январь ва декабрь ойларида (100,5 % дан) қайд этилди.


2024 йилда тамаки маҳсулотлари нархларининг ўсиши спиртли ичимликларга қараганда юқори бўлди.

II бўлимга кирувчи, кузатиладиган асосий турдаги товарлар бўйича 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ диапазони 107,0 % (бошқа тамаки маҳсулотлари) – 113,3 % (сигарет)ни ташкил этди.

### II бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ динамикаси (ўтган ойга нисбатан, % да)



### II бўлим бўйича йиллик ИНИ динамикаси (2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



### III бўлим. “Кийим ва пойабзал”

2023 йилнинг декабрига нисбатан кийимлар ва пойабзал бўйича ИНИ 105,1 % даражасида қайд этилиб, ўртача ойлик ўсиш суръати 0,4 % ни ташкил этди. Бу, 2024 йил январь-декабридаги йиғма кўрсаткични 0,47 ф.д. ўсиш суръатини таъминлади.

Бугун 2024 йил давомида III бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ 100,0-101,2 % чегарасида бўлди.

III бўлим товар ва хизматлари бўйича ИНИ қуйи чегараси 2024 йилнинг январь-декабрида 102,9 % (эркаклар учун чарм куртка), юқори чегараси – 112,5 % (кимёвий тозалаш хизматлари) даражасида қайд этилди.

III бўлим бўйича 2024 йилдаги йиллик ИНИ кўрсаткичи 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан 1,1 фоиз бандга паст бўлди.


Шу билан бирга, кийимлар бўйича йиллик ИНИ кўрсаткичи 2024 йилда 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан 1,2 фоиз бандга паст бўлган бўлса, пойабзаллар бўйича мазкур фарқ 1,1 фоиз бандни ташкил этди.

Устки кийимлар 2024 йилда 4,9 % га қимматлашиб, 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан 1,2 фоиз бандга паст бўлди.

#### III бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ динамикаси (ўтган ойга нисбатан, % да)



#### III бўлим бўйича йиллик ИНИ динамикаси (2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)




**IV бўлим. “Турар жой хизматлари, сув, электр, газ  
ва бошқа ёнилғи турлари”**

IV бўлим бўйича 2024 йилнинг январь-декабридаги ИНИ 138,1 % ни ташкил этиб, ўртача ойлик ўсиш суръати 2,7 % га етди. Бўлимнинг 2024 йилнинг январь-декабридаги йиғма ИНИ ўсиш суръатига жами таъсири 4,57 ф.д.ни ташкил этди.

**IV бўлим бўйича  
қисқа муддатли ИНИ**  
(ўтган ойга нисбатан, % да)



**IV бўлим бўйича йиллик ИНИ**  
(2023 йилнинг мос ойига  
нисбатан, % да)



2024 йилнинг январь-декабри давомида маиший газ 2,3 баробарга, суюлтирилган газ 42,9 % га, электр энергияси 67,0 % га, чиқиндиларни йиғиш хизматлари 54,7 % га, совуқ сув ва канализация 24,9 % га, иссиқ сув 32,1 % га, иситиш хизматлари 36,0 % га қимматлашди.

**Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ**  
(2024 йил декабрь 2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)



**Маълумот учун:**  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 апрелдаги “Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2024 йилнинг майидан аҳолига электр энергияси ва газ истеъмоли учун янгиланган табақалаштирилган тарифлар жорий қилинди.

## V бўлим. “Уй-рўзгор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш”

V бўлимда 2024 йилнинг январь-декабридаги ИНИ 105,5 % ни ташкил этиб, унинг ҳисобига 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиғма ИНИ 0,32 ф.д. юқорилади.

Ушбу давр давомида V бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ тебранишлари 100,1 % (февраль) - 100,8 % (ноябрь) чегарада жойлашди.

V бўлим бўйича 2024 йилда энг юқори йиллик ИНИ январь ойида (107,2 %) қайд этилган.


**V бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ**  
(ўтган ойга нисбатан, % да)



**V бўлим бўйича йиллик ИНИ (2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)**



**Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ**  
(2024 йил декабрь 2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)



V бўлим товар ва хизматлари орасида уй хўжалигини юртиш билан боғлиқ хизматлар ва маиший хизматлар бўйича ИНИ 2024 йил давомида 113,4 % ни, мебелларни, уй-рўзгор буюмлари ва тукли гиламларни таъмирлаш, ўрнатиш ва ижарага беришда 110,4 %, уй хўжалигида фойдаланиладиган тўқимачилик буюмларини таъмирлаш, ижарага бериш ва тикишда 110,2 % ни, маиший приборларни таъмирлаш, ўрнатиш ва ижарага беришда 109,9 % ни ташкил этди.

## VI бўлим. “Соғлиқни сақлаш”

VI бўлим бўйича 2024 йилнинг январь-декабридаги ИНИ 120,7 % ни, ўртача ойлик ўсиш суръати 1,6 % ни ташкил этди.


Бўлимдаги нарх ўзгаришларининг 2024 йил январь-декабридаги йиғма ИНИ ўсиш суръатига таъсири 1,16 ф.д.га етди.

Мазкур бўлим товар ва хизматлари бўйича 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ куйи чегараси 107,7 %


(кўриш учун ёрдамчи буюмлар, юқориси – 128,5 % (антибиотиклар) даражасида қайд этилди.

2024 йил давомида VI бўлим бўйича йиллик ИНИ кўрсаткичи 109,3 % дан (январь) 120,7 % гача (ноябрь ва декабрь) пасайди. Шу билан бирга, қисқа муддатли ИНИ тебранишлари 100,5 % (январь) – 106,9 % (апрель) чегарада жойлашди.

**VI бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ**  
(ўтган ойга нисбатан, % да)



**VI бўлим бўйича йиллик ИНИ**  
(2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



**Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ**  
(2024 йил декабрь 2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)




VI бўлимнинг барча гуруҳлари бўйича йиллик ИНИ кўрсаткичи 2024 йилда 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан баланд бўлди. 2024 йилда дори воситалари (126,2 %), профилактик химоя воситалари (120,0 %), диагностика визуализацияси хизматлари (115,6 %) ва шахсий фойдаланиш учун даволаш мосламалари (115,3 %) гуруҳларида нархлар юқориқ ошди.

## VII бўлим. “Транспорт”


2024 йил давомида VII бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ 100,2 % дан (апрель, май, июль) 102,2 % гача (июнь) ораликда жойлашиб, бу асосан ёқилғи-мойлаш материаллари нархларининг тебранишлари билан боғлиқ.

“Транспорт” (VII) бўлимида 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ 110,8 % ни, ўртача ойлик ўсиш суръати 0,9 % ни ташкил этди. Мазкур бўлимдаги нарх ўзгаришларининг 2024 йилдаги йиғма ИНИ ўсиш суръатига таъсири 1,04 ф.д.га етди.

**VII бўлим бўйича  
қисқа муддатли ИНИ**  
(ўтган ойга нисбатан, % да)



**VII бўлим бўйича йиллик ИНИ**  
(2023 йилнинг мос ойига нисбатан,  
% да)



2024 йилнинг январь-декабрида автомобиллар учун газ ёқилғиси бўйича ИНИ 121,0 % (метан) – 130,9 % (пропан) чегарасида бўлди.

**Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ**  
(2024 йил декабрь 2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)



Ушбу даврда бензин бўйича ИНИ 105,9 % ни ташкил этди. хайдовчиларни тайёрлаш курслари хизматлари бўйича ИНИ 131,1 % га, автотураргоҳлар хизматлари 117,6 % га етди. Йўловчи ташиш транспорти хизматлари бўйича ИНИ 100,0 % дан (метро, трамвай ва троллейбус) 140,1 % гача (шаҳар атрофидаги поезд чиптаси) ораликда бўлди.

### VIII бўлим. “Ахборот ва алоқа”


2024 йилнинг декабрида ахборот ва алоқа соҳасидаги ИНИ 2023 йилнинг декабрига нисбатан 100,7 % га етди. Бу 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан 0,9 фоиз бандга баланд бўлди.

Бўлим бўйича қисқа муддатли кўрсаткич 97,8 % дан (апрель) 101,7 % гача (октябрь) диапазонда тебранди.

2024 йил давомида йиллик нисбатдаги ИНИ кўрсаткичи 99,7 % дан 100,7 % гача юқорилади.

“Ахборот ва коммуникация ускуналари” гуруҳида йиллик ИНИ кўрсаткичи 99,7 % дан (январь) 102,7 % гача (октябрь) ораликда жойлашди.


**VIII бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ**  
(ўтган ойга нисбатан, % да)



**VIII бўлим бўйича йиллик ИНИ**  
(2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



**Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ**  
(2024 йил декабрь 2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)



VIII бўлим товар ва хизматлари бўйича 2024 йилдаги ИНИ 98,9 % дан (мобил алоқа хизматлари) 113,3 % гача (ахборот-коммуникация ускуналарини таъмирлаш) ораликда бўлди. Шу билан бирга, мобил алоқа хизматлари ИНИ кетма-кет учинчи йил 100 % дан паст даражада қайд этилиб, бу ҳолат алоқа опера-торлари томонидан тариф сиёсатининг қайта кўриб чиқилиши билан боғлиқ.



### IX бўлим. “Дам олиш, спорт ва маданият”

Дам олиш, спорт ва маданият соҳасида 2024 йилнинг декабрь ойидаги 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ 108,7 % даражасида шаклланди. Бу 2023 йилнинг январь-декабридаги кўрсаткичдан 1,4 фоиз бандга паст.

IX бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ диапозони 2024 йилда 100,3 % дан (май) 101,2 % гача (сентябрь) оралиқда жойлашди. Ушбу бўлимда ИНИ ўртача ойлик ўсиш суръати кўриб чиқиладиган даврда 0,7 % ни ташкил этди.

**IX бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ (ўтган ойга нисбатан, % да)**



**IX бўлим бўйича йиллик ИНИ (2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)**



**Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ (2024 йил декабрь 2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)**



2024 йилнинг декабрида IX бўлим товар ва хизматлари нарх ўзгаришларининг 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиғма ИНИ ўсиш суръатига таъсири 0,15 ф.д.ни ташкил этди.

Ушбу бўлимда 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ юқори чегараси 126,7 % га (ойлик журнал), қуйи чегараси – 88,2 % га (А4 форматидаги қоғоз) этди.

Маданият ва истироҳат боғлари хизматлари 2024 йил давомида 26,2 % га, кинотеатрлар хизматлари 16,2 % га қимматлашди.

2023 йилнинг декабрига нисбатан 100 % лик даражадан паст ИНИ канцелярия товарлари ва рассомчилик буюмларида қайд этилди.


### Х бўлим. “Таълим соҳасидаги хизматлар”

Таълим соҳасидаги ИНИ 2024 йилнинг январь-декабрида 114,0 % ни ташкил этиб, бунинг ҳисобига йиғма кўрсаткич 0,46 ф.д. ошди. 2024 йилнинг сентябридан Ўзбекистоннинг давлат ОТМ барча йўналишларида тўлов-шартнома асосида ўқиш қиймати оширилди. Ушбу хизмат тури бўйича қисқа муддатли ИНИ 115,1 % ни ташкил этди.


#### Х бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ (ўтган ойга нисбатан, % да)



#### Х бўлим бўйича йиллик ИНИ (2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



#### Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ (2024 йил декабрь 2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)



2024 йилнинг июнидан бошлаб республиканинг барча ҳудудларида давлат МТТ хизматлари учун тўлов миқдори 20 % га оширилди. Хусусий болалар боғчалари хизматлари 2024 йил давомида 12,3 % га, репетиторлар хизматлари 16,0 % га, таълим курсларида ўқиш учун тўлов қиймати 14,5 % га ошди.

### ХI бўлим. “Ресторанлар ва меҳмонохоналар хизматлари”

ХI бўлимда 2024 йилнинг январь-декабрида ИНИ 112,2 % даражасида қайд этилиб, йиғма ИНИ ўсиш суръатига 0,23 ф.д. таъсир этди. ХI бўлим бўйича ИНИ ўртача ойлик ўсиш суръати ушбу даврда 1,0 % ни ташкил этди.

Меҳмонхона хизматлари соҳасида 2024 йилнинг январь-декабри давомида нархларнинг ўсиш суръати озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар етказиб бериш бўйича хизматлардан юқори бўлди (117,7 % га 111,7 %).


#### ХI бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ (ўтган ойга нисбатан, % да)



#### ХI бўлим бўйича йиллик ИНИ (2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



#### Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ (2024 йил декабрь 2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)



Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари соҳасида 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ кўрсаткичи 110,3 % дан (бошқа ошхоналар, кафелар ва газакхоналардаги тайёр таомлар) 118,9 % гача (отель, мотель, меҳмонхоналар хизматлари) оралиқда жойлашди.

## ХII бўлим. “Суғурталаш ва молиявий хизматлар”

ХII бўлим бўйича 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ 102,2 % даражасида қайд этилди.

2024 йилнинг январь-декабри давомида суғурталаш соҳасидаги нархлар ҳолати барқарор бўлди. Молиявий хизматлар бўйича ИНИ ушбу даврда 103,0 % га етди.


Бўлимдаги нарх ўзгаришлари хусусияти бевосита, айрим банкларда миллий валютадаги хизматлар қийматининг ўзгариши ҳамда хорижий валютада белгиланган хизматлар учун тўлов қийматиغا АҚШ доллари курси ўзгаришининг таъсири билан боғлиқ бўлди.

ХII бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ тебранишлари диапазони 2024 йилнинг январидан декабригача 99,8 % дан (февраль) 100,8 % гачани (июль) ташкил этди. Умуман олганда, 2024 йил давомида ХII бўлимда кузатиладиган хизматлар нархлари-нинг ўсиши 100,1 % дан (микромолия ташкилотлари ва ломбардлар хизматлари) 104,2 % гача (электрон тўлов тизимлари орқали пул маблағларини ўтказиш бўйича хизматлар) оралиқда бўлди.

**ХII бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ**  
(ўтган ойга нисбатан, % да)



**ХII бўлим бўйича йиллик ИНИ**  
(2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



**Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ**  
(2024 йил декабрь 2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)



2024 йилнинг декабрида ХII бўлим бўйича йиллик ИНИ кўрсаткичи 102,2 % га етиб, 2023 йилнинг декабридаги мос кўрсаткичдан 1,6 фоиз бандга паст бўлди.

2024 йилнинг декабрида молиявий хизматлар бўйича йиллик ИНИ диапазони 100,1 % – 104,2 % оралиғида бўлди.

### ХIII бўлим. “Маиший товарлар ва хизматлар, ижтимоий ҳимоя ва турли товарлар ва хизматлар”

ХIII бўлимда 2024 йилнинг январь-декабрида ИНИ 110,0 % (таъсири +0,47 ф.д.) даражасида қайд этилди.


Мазкур бўлимда 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ 101,3 % (сокол олиш учун кўпик, крем, гель) – 126,8 % (никох узуги) чегарасида тебранди.

“Маиший товарлар ва хизматлар” (2,8 фоиз бандга) ва “Бошқа хизматлар” (1,3 фоиз бандга) гуруҳлари бўйича 2024 йилдаги йиллик ИНИ кўрсаткичи 2023 йилдаги кўрсаткичдан паст бўлди. “Шахсий фойдаланиш учун бошқа буюмлар” гуруҳи бўйича аксинча, 2024 йилдаги ИНИ кўрсаткичи юқорироқ бўлди (114,2 % га 107,8 %).

**ХIII бўлим бўйича  
қисқа муддатли ИНИ**  
(ўтган ойга нисбатан, % да)



**ХIII бўлим бўйича йиллик ИНИ**  
(2023 йилнинг мос ойига  
нисбатан, % да)



2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан узоқ муддатли ИНИ ушбу бўлимда 105,6 % дан (болалар аравачалари) 119,6 % гача (ҳаммом ва душхоналар хизматлари) оралиғида жойлашди.

**Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ**  
(2024 йил декабрь 2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)



Саргарошхоналар хизматлари 2024 йил давомида 15,8 % га, соатларни таъмирлаш 13,5 % га, нусха кўчириш 12,1 % га, диний хизматлар 11,9 % га, ҳуқуқий тусдаги хизматлар 10,3 % га кимматлашди.

Саргарошхоналар хизматлари нархларининг ошиши 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан 1,2 фоиз бандга паст бўлди.

2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиғма ИНИ ўсиш суръатига энг юқори таъсир “Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари” (IV) бўлимига тегишли бўлди (9,8 ф.д.дан 4,57 ф.д.).

Соғлиқни сақлаш соҳасида нархларнинг ўсиши ҳисобига йиллик нисбатдаги йиғма кўрсаткич қўшимча 1,16 ф.д., транспорт соҳасидаги тарифларнинг ошиши эса йиғма кўрсаткичга яна 1,04 ф.д. қўшди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар нархларининг ошиши 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиғма кўрсаткич ўсишига 0,82 ф.д. таъсир қилди. Шу билан бирга, мазкур кўрсаткич 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан 2,88 фоиз бандга паст бўлди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида нарх ўзгаришларининг 2023 йил декабрига нисбатан йиғма кўрсаткичга таъсири 2022 йил декабридаги мос кўрсаткичдан 0,52 ф.д. баланд бўлди.

### ЎзР МИИТ – 2018 бўлимлари кесимида нарх ўзгаришларининг йиғма ИНИ ўсиш суръатига таъсири

(2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан, ф.д.)


**ЖАМИ ТАЪСИРИ + 9,80 ф.д.**



## 2- БЎЛИМ. САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР НАРХЛАРИ ИНДЕКСИ

Сааноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари йиғма индекси (ИЧНИ) – бу, товарлар (хизматлар)ни ишлаб чиқариш жараёнида нархларнинг ўзгаришини тавсифловчи кўрсаткич бўлиб, у ишлаб чиқариш соҳасидаги инфляциян жараёнларнинг индикатори ҳисобланади. ИНИ билан бир қаторда, мазкур индекс иқтисодий ривожланиш ва унинг истикболларини тавсифловчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар тўпламига киради.

### Йиғма ИЧНИ динамикаси (декабрь ўтган йилнинг декабрига нисбатан, % да)



2024 йилнинг январь-декабрида йиғма ИЧНИ 113,7 % ни ташкил этиб, 2023 йилдаги мос кўрсаткичдан 1 фоиз бандга паст бўлди.


Йиғма кўрсаткичнинг ўртача ойлик ўсиш суръати 2024 йилнинг январь-декабрида 1,1 % даражасида қайд этилди.

Таҳлил қилинаётган даврда қисқа муддатли ИЧНИ кўрсаткичи апрель ойида (102,5 %) энг баланд, август ва декабрь ойларида (100,1 %) энг паст кўрсаткични қайд этди.


2024 йилда йиллик нисбатдаги узоқ муддатли ИЧНИ кўрсаткичи 113,7 % дан (декабрь) 122,2 % гача (июль) чегарада жойлашди.

### 2024 йилда йиғма ИЧНИ динамикаси

(ўтган ойга нисбатан, % да)



(2023 йилнинг мос ойига  
нисбатан, % да)



Изоҳ: Статистика кенгаши томонидан ишлаб чиқарувчилар нархлари статистикасини такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифаларга мувофиқ, 2024 йил апрелдан ҳисобот берувчи субъектлар доираси кенгайтирилганлиги сабабли, 2024 йилнинг биринчи чораги учун нарх индекслари қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Сўнгги беш йил давомида “Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш” (В) секциясида декабрь ойидаги ўтган йилнинг декабрга нисбатан ИЧНИ энг юқори ўсиш суръати 2022 йилда (34,3 %) қайд этилган. В секциясида ИЧНИ ўсиш суръати 2024 йилнинг якунига кўра 2022 йилдаги мос кўрсаткичдан 20,5 фоиз бандга паст бўлди.

Таҳлил қилинаётган даврда С секция-си бўйича нархларнинг энг юқори ўсиш суръати ҳам 2022 йилда (16,5 %) қайд этилган. 2024 йилдаги ИЧНИ 2,6 фоиз бандга паст бўлди.

Саноат ишлаб чиқариши фаолиятига кирувчи тўртта йирик секциялар орасида 2024 йилда бошқаларга нисбатан энг юқори ИЧНИ Е секцияси “Сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш”да (134,6 %) қайд этилди.


2024 йилнинг декабрида энг паст йиллик ИЧНИ D секция “Электр энергияси, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш”да (111,5 %) кузатилди.

**Секциялар бўйича йиллик ИЧНИ динамикаси**  
(декабрь ўтган йилнинг декабрга нисбатан, % да)

**В СЕКЦИЯ**




**Тоғ-кон саноати  
ва очик конларни  
ишлаш**



**С СЕКЦИЯ**




**Ишлаб чиқариш  
саноати**



**D СЕКЦИЯ**




**Электр, газ, буғ билан  
таъминлаш ва ҳавони  
кондициялаш**



**Е СЕКЦИЯ**




**Сув билан таъмин-  
лаш, канализация  
тизими, чиқиндилар-  
ни йиғиш ва қайта  
ишлаш**





Нарх ўзгаришларининг  
йиғма ИЧНИ ўсиш суръатига таъсири  
(2024 йил январь-декабрь, ф.д.)



Йиғма ИЧНИ ўсиш суръатига  
жами таъсири **+13,70**

Тоғ-кон саноати ва очик конларни  
ишлаш **В секция +1,36**

Ишлаб чиқариш саноати **С секция +10,45**

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва  
хавони кондициялаш **Д секция +1,63**

Сув билан таъминлаш, канализация,  
чиқиндиларни йиғиш ва утилизация  
қилиш **Е секция +0,25**

2024 йилнинг январь-декабридаги йиғма ИЧНИ ўсиш суръати тузилмасида энг юқори улуш (76,3 %) ишлаб чиқариш саноатидаги нарх ўзгаришларига тегишли бўлди. Мазкур фаолият турида нархларнинг ўсиши ҳисобига йиғма кўрсаткич 10,45 ф.д. юқорилади.

Ишлаб чиқариш саноатидаги инфляция жаранларнинг устунлик қилиши мазкур фаолият турининг республика саноат ишлаб чиқариш тузилмасидаги юқори улуши билан изоҳланади.


2024 йил якуни натижаларига кўра, нисбатан юқори ИЧНИ кўрсаткичи қайд этилганига қарамай (134,6 %), Е секциясига энг паст таъсир улуши (1,8 %) тегишли бўлиб, бу секциянинг нисбатан паст салмоқ вазнга эгаллиги билан изоҳланади.

Йиғма ИЧНИ ўсиш суръатига таъсир динамикаси  
(2020-2024 йилларнинг январь-декабри, ф.д.)




В секцияси. “Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш”

2024 йилда қисқа муддатли ИЧНИ динамикаси  
(ўтган ойга нисбатан, % да)



2024 йилда йиллик ИЧНИ динамикаси  
(2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



В секцияси фаолият турлари бўйича йиллик ИЧНИ  
(2024 йил декабрь, % да)



Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашда ИЧНИ 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан 113,8 % ни ташкил этиб, 2023 йилдаги мос кўрсаткичдан 5,3 фоиз бандга баланд ва 2022 йилдаги мос кўрсаткичдан 20,5 фоиз бандга паст бўлди.

В секцияси бўйича 2024 йилнинг январь-декабрида ИЧНИ ўртача ойлик ўсиш суръати ушбу даврда 1,1 % га етди. Ушбу кўрсаткичдан энг юкори оғиш май (-4,1 фоиз банд) ва апрель (+5,9 фоиз банд) ойларидаги қисқа муддатли ИЧНИда кузатилди.

2024 йил давомида В секцияси бўйича йиллик нисбатдаги ИЧНИ кўрсаткичида умумий ўсиш тенденцияси (январь ойидаги 108,1 % дан декабрь ойида 113,8 % гача) кузатилди.

2024 йилда В секциясига тааллуқли асосий фаолият турлари бўйича ИЧНИ диапазони 100,0 % дан (кўмир ва лигнит қазиб олиш) – 118,8 % гачани (тоғ-кон саноатининг бошқа фаолият турлари) ташкил этди.

Фойдали қазилмалар қазиб олиш соҳасидаги нархлар ҳолати ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда асосий турдаги хомашё ресурсларининг биржа котировкалари ўзгаришлари босими остида шаклланди.

В секциясига кирувчи маҳсулотлар кесимида 2024 йилнинг январь-декабрида ИЧНИ 95,1 % дан (табiiй газ конденсати) 136,4 % гача (табiiй кум) ораликда бўлди.

**В секциясининг айрим товарлари бўйича ИЧНИ, % да**  
(2024 йил январь-декабри, % да)




Хом нефть ва табiiй газ қазиб олишда нархлар ўзгаришининг 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИЧНИ ўсиш суръатига таъсири +9,35 ф.д.ни ташкил этди. Ушбу фаолият турининг В секциясидаги ИЧНИ умумий ўсиш суръатидаги улуши 67 % дан ошди.

Металл рудалар қазиб олишда ишлаб чиқарувчилар нархларининг ўзгариши В секцияси бўйича ИЧНИга 3,41 ф.д. (таъсир улуши 24,7 %) қўшди.


Қолган фаолият турларидаги ўзгаришларнинг таъсири паст даражада бўлди.

**Нарх ўзгаришининг В секциясида ИЧНИ ўсиш суръатига таъсири**  
(2024 йил январь-декабрь, ф.д.)




С секцияси. “Ишлаб чиқариш саноати”

2024 йилда қисқа мuddатли ИЧНИ динамикаси  
(ўтган ойга нисбатан, % да)



2024 йилда йиллик ИЧНИ динамикаси  
(2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



С секцияси фаолият турлари бўйича йиллик ИЧНИ  
(2024 йил декабрь, % да)



С секцияси бўйича 2024 йилнинг декабрида йиллик нисбатдаги ИЧНИ 113,9 % га етди. Бу 2023 йилнинг декабридаги ушбу фаолият тури бўйича йиллик ИЧНИдан 7,1 фоиз бандга баланд бўлди.

2024 йилда ўртача ойлик кўрсаткичдан юқори қисқа мuddатли ИЧНИ январь, апрель, май, сентябрь, октябрь ва ноябрь ойларида қайд этилди.

2024 йил давомида ишлаб чиқариш саноатида йиллик нисбатдаги ИЧНИ кўрсаткичида умумий ўсиш тенденцияси кузатилди (2024 йилнинг охирида йиллик ИЧНИ йил бошидаги 108,1 % дан 113,9 % га етди).

2024 йилда умумий саноат фаолиятдан юқори нарх ўсиши ичимликлар, тери ва унга тааллуқли буюмлар, ёзиб олинган материалларни чоп этиш ва акс этириш, металлургия саноати ҳамда бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқаришда кузатилди.

Нархларнинг пасайганлиги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кузатилди.

С секцияси бўйича 2024 йилнинг декабридаги 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиллик ИЧНИ тузилмасида энг юқори улуш (57,2 %) металлургия саноатидаги нарх ўзгаришлари ҳиссасига тўғри келди.

Кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда нархларнинг пасайиши тутиб турувчи вазифани бажариб, уларнинг ҳисобига С секцияси бўйича 2023 йилнинг декабрига нисбатан кўрсаткич 0,07 ф.д. пасайди.

### Нарх ўзгаришларининг С секцияси бўйича ИЧНИ ўсиш суръатига таъсири (2024 йил январь-декабрь, ф.д.)


**ЖАМИ ТАЪСИРИ +13,90 ф.д.**



Ишлаб чиқариш саноатининг айрим фаолият турлари бўйича ИЧНИ  
(2024 йил январь-декабрь)

МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ


Йиллик ИЧНИ динамикаси




Металлургия саноатида 2024 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарувчилар нархлари 30,1 % га ошиб, С секцияси бўйича ИЧНИ 7,95 ф.д. (С секцияси бўйича умумий ўсиш суръатининг 57,2 % и) ўсишига таъсир этди.

2024 йилда металлургия саноати бўйича йиллик ИЧНИ кўрсаткичи 2023 йилдаги мос кўрсаткичдан 23,4 фоиз бандга баланд бўлди.

Йиллик ИЧНИ динамикаси  
(2023 йил мос ойига нисбатан, % да)



Қисқа муддатли ИЧНИ динамикаси  
(ўтган ойга нисбатан, % да)



— 2024 йил январь-декабрида ўртача ойлик кўрсаткич


шу жумладан:

Қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш	134,6
Кўрғошин, рух ва қалай ишлаб чиқариш	131,0
Бирламчи ишлов бериш йўли билан бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш	119,7
Мис ишлаб чиқариш	114,6
Алюминий ишлаб чиқариш	108,3
Чўян, пўлат ва ферроқотишмалар ишлаб чиқариш	104,4
Пўлат қувур, қувурўтказгич, профиль ва фитинглар ишлаб чиқариш	103,4

Металлургия саноатига тааллуқли фаолият турлари бўйича йиллик ИЧНИ диапазони 2024 йилда 90,6 % дан (пўлатдан совуқлайин прокатка қилинган, кейин бошқа ишлов берилмаган, кенглиги 600 ммдан кам бўлмаган ясси прокат) 190,5 % гача (қуйма пўлат) ораликда жойлашди. Қуйма пўлат, пўлатдан иссиқлайин прокатка қилинган чивиклар ва стерженлар бўйича йиллик ИЧНИ 90,6-120,2 % чегарасида тебранди. Рух ишлаб чиқарувчилар 2024 йилда маҳсулот нархларини 34,1 % га, мисни 14,6 % га, алюминийни 8,3 % га оширдилар.

ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ


Йиллик ИЧНИ динамикаси




Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 2024 йилда ИЧНИ 107,4 % ни ташкил этди. Бу С секцияси бўйича ИЧНИ бир йилда 0,90 ф.д. ўсишини таъминлади.

Ушбу давр давомида кўриб чиқилаётган фаолият турида йиллик ИЧНИ кўрсаткичининг умумий ўсиш тенденцияси кузатилди. (йил бошидаги 97,6 % дан йил охиридаги 107,4 % гача).

Йиллик ИЧНИ динамикаси  
(2023 йил мос ойига нисбатан, % да)



Қисқа муддатли ИЧНИ динамикаси  
(ўтган ойга нисбатан, % да)



шу жумладан:



Қисқа муддатли ИЧНИ 2024 йилда 99,8 % дан (апрель и сентябрь) 102,4 % гача (май) диапазонда жойлашган бўлса, индекснинг ўртача ойлик ўсиш суръати 0,6 % ни ташкил этди.


2024 йил давомида тўқимачилик бумларига ишлов бериш хизматлари 35,7 % га, трикотаж полотно ишлаб чиқариш 34,9 % га, толали улюк 7,8 % га, гилам ва гилам маҳсулотлари 6,4 % га қимматлашди.

Чакана савдо учун қадокланган пахтадан йигирилган ип (-8,4 %), 2-навли пахта толаси (-1,8 %), кўрпачак бельёси (-1,6 %) ишлаб чиқаришда нархлар пасайганлиги қайд этилди.

Давоми

КОКС ВА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ


Йиллик ИЧНИ динамикаси




Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ИЧНИ 2024 йилда 110,6 % даражасига етиб, ўртача ойлик ўсиш суръати 0,8 ф.д. ни ташкил этди.

Бу С секцияси бўйича 2024 йил январь-декабридаги ИЧНИ 0,63 ф.д. ошишига таъсир қилди. Ёқилғимойлаш материаллари бозорида биржа котировкалари ўзгариши мазкур фаолият турида нарх ошиши омилларидан бири бўлди.

Йиллик ИЧНИ динамикаси  
(2023 йил мос ойга нисбатан, % да)



Қисқа муддатли ИЧНИ динамикаси  
(ўтган ойга нисбатан, % да)



— 2024 йил январь-декабрида ўртача ойлик кўрсаткич

шу жумладан:

Тозаланган нефт маҳсулотларини қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш хизматлари	113,2
Суюлтирилган пропан ва бутан	112,9
Ёғлаш учун ишлатиладиган нефт мойлари, оғир нефт дистиллятлари	107,7
Газойллар (дизел ёқилғиси)	103,1
Нефтни ҳайдашнинг бошқа ўртача маҳсулотлари	98,3
Нефт битуми	97,6
Керосин типдаги реактив ёқилғи	95,7
Нефт ёқилғиси (мазут)	92,9


2024 йил давомида асосий турдаги нефт маҳсулотлари нарх динамикаси биржа конъюнктуралари ўзгариши билан боғлиқ тебранишлар таъсирида бўлди. Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қисқа муддатли ИЧНИ диапазони 97,8 % дан (март) 104,4 % гача (февраль) чегарада жойлашди.

2024 йилда маиший печь ёқилғиси (-6,7 %), керосин типдаги реактив ёқилғи (-4,3 %) ва нефт битуми (-2,4 %) нархида пасайиш қайд этилди. Бошқа маҳсулот турларида нархларнинг пасайиши 103,1 % дан 113,2 % гача чегарада бўлди.



ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ


Йиллик ИЧНИ динамикаси




Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ИЧНИ 2024 йилда 106,2 % даражасида шаклланиб, ўртача ойлик ўсиш суръати 0,5 % ни ташкил этди.

Бунинг ҳисобига, С секцияси бўйича ИЧНИ умумий 13,9 ф.д. ўсиш суръатига қўшимча 0,61 ф.д. таъсир таъминланди.

Йиллик ИЧНИ динамикаси  
(2023 йил мос ойига нисбатан, % да)



Қисқа муддатли ИЧНИ динамикаси  
(ўтган ойга нисбатан, % да)



шу жумладан:



2024 йил якунлари бўйича нархларнинг энг юқори пасайиши крахмаллар ва крахмал маҳсулотлари (-17,3 %), шакар (-9,4 %), гўшtdан тайёрланган маҳсулотлар (-6,3-1,4 % чегарасида), қуюлтирилмаган ва шакар қўшилмаган сут ва қаймоқда (-3,9 %) қайд этилди.

Нархларнинг юқорироқ ўсиши тозаланмаган пахта ёғи (29,9 %), узоқ сақланмайдиган нон, хамирдан янги тайёрланган қандолат маҳсулотлари, торт ва пирожное (27,9 %) ҳамда музқаймоқ ва бошқа озуқавий муз (25,4 %) ишлаб чиқаришда қайд этилди.

**D секцияси. “Электр, газ, буғ билан таъминлаш  
ва ҳавони кондициялаш”**


Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда ИЧНИ 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан 111,5 % даражасида қайд этилди.

D секцияси бўйича қисқа муддатли ИЧНИ диапазони 2024 йил давомида 100,0 % дан 107,0 % гача ораликда бўлиб, индекснинг ўртача ойлик ўсиш суръати 0,9 % ни ташкил этди.


**D секцияси бўйича қисқа муддатли ИЧНИ динамикаси**  
(ўтган ойга нисбатан, % да)



**D секцияси бўйича йиллик ИЧНИ динамикаси**  
(2023 йил мос ойига нисбатан, % да)



**D секцияси бўйича фаолият турларида йиллик ИЧНИ**  
2024 йилнинг декабрида, % да



D секциясига кирувчи фаолият турлари бўйича ИЧНИ диапазони 2024 йилнинг январь-декабрида 106,9 % дан (электр энергиясини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш) 141,7 % гача (буғ узатиш ва ҳавони кондициялаш тизимлари) чегарада жойлашди.

2024 йил декабрида D секцияси алоҳида фаолият  
турлари бўйича йиллик ИЧНИ, % да




2024 йилда электр энергияси тарифларининг ўртача ошиш даражаси 4,2 % ни ташкил этди. уни сотиш тарифлари 9,3 % га юқорилади.

Газсимон ёқилғини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш бўйича нарх ва тарифлар 15,0-49,8 % га юқорилади.

Буғ ва иссиқ сув ҳамда улар билан таъминлаш хизматлари 35,6-56,1 % чегарасида қимматлади.

D секцияси бўйича 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИЧНИ тузилмасидаги устунлик (47,4 %) электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашдаги нарх ўзгаришларига тегишли бўлди.

Нарх ўзгаришларининг D секциясида ИЧНИ ўсиш суръатига таъсири  
(2024 йил январь-декабрь, ф.д.)



Электр энергияси ишлаб чиқариш, уни узатиш ва тақсимлаш хизмати



Сунъий газ, газсимон ёқилғини қувурлар орқали узатиш хизматлари



Буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш бўйича хизматлар




**Е секцияси. “Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш”**


**Е секциясида қисқа муддатли ИЧНИ динамикаси**  
(ўтган ойга нисбатан, % да)



**Е секцияси бўйича йиллик ИЧНИ динамикаси**  
(2023 йил мос ойига нисбатан, % да)



**Е секцияси фаолият турлари бўйича йиллик ИЧНИ**  
2024 йил декабрь, % да



**2024 йилда нарх ўзгаришларининг**  
**Е секцияси бўйича ИЧНИ ўсиш суръатига таъсири**



Сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш, қайта ишлаш ва утилизация қилишда ИЧНИ 2024 йилда 134,6 % даражасида қайд этилди. 2024 йил давомида сувни қайта ишлаш ва сув қувурлари орқали тақсимлаш хизматлари 43,9 % га, оқова сувларни йўқотиш ва транспортировка қилиш ва қайта ишлаш 21,8 % га, шаҳар хўжалигининг қайта фойдаланишга яроқли ва яроқсиз хавфсиз чиқиндиларини йиғиш бўйича хизматлар мос равишда 30,1 % ва 45,5 % га, қайта фойдаланишга яроқсиз бошқа хавфсиз чиқиндиларни йиғишда 12,4 % га, чиқиндиларни қайта ишлаш ва йўқотишда 36,6 % га, материалларни утилизация қилишда 12,4 % га, ҳавони зарарсизлантириш ва тозалашда 14,3 % га ўсди.

Е секцияси бўйича ИЧНИ ўсиш суръати тузилмасининг салкам тўртдан уч қисми сувни йиғиш, қайта ишлаш ва тақсимлаш бўйича хизматлар ҳиссасига тўғри келиб, унда нархларнинг ошиши ҳисобига 2024 йилда Е секцияси бўйича ИЧНИ 25,2 ф.д. юқорилади.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Истеъмол нархлари индекси (ИНИ)** – инфляция даражасини ифодалайдиган муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, бу ўртача истеъмолчи томонидан сотиб олинган товарлар ва хизматлар мажмуи қийматининг умумий ўзгаришини ҳисоблайди, яъни, маълум давр мобайнида, товар ва хизматлар истеъмоли миқдори ўзгармас бўлган ҳолда, аҳолининг истеъмол харажатлари умумий миқдорининг ўзгаришини ифодалайди.

ИНИда, мамлакатнинг барча ҳудудлари бўйича турли товар ва хизматлар нархларининг ҳаракати ўртача даражага келтирилади.

Йиғма ИНИни ҳисоблаш, базис даврининг салмоғидан фойдаланган ҳолда, модификацияланган Ласпейрес формуласи орқали амалга оширилади. ИНИни ҳисоблаш жараёнида салмоқ сифатида, оилаларнинг товар ва хизматлар сотиб олиш харажатлари тўғрисида уй хўжалиқларининг кузатуви натижасида олинандиган аҳолининг истеъмол харажатларидан фойдаланилади.

ИНИни шакллантиришда “Истеъмол нархлари индекси бўйича қўлланма: Назария ва амалиёт” (ХВЖ, ИХРТ, Евростат, БМТ, ЙИК, Жаҳон банки ва ХМТ) тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган Товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) кузатувини ташкил этиш ҳамда истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом (Статистика агентлигининг 2024 йил 20 майдаги 106-сон буйруғи билан янги таҳрири тасдиқланган) асос бўлиб хизмат қилади <https://lib.stat.uz>.

Нархларни рўйхатга олиш ҳар ойнинг 10- санасидан 20- санасигача амалга оширилади. Маълумотларни йиғиш шундай ташкил этилганки, бу вақт оралиғида нархларни рўйхатга олиш ҳар бир товар ва хизмат бўйича бир марта амалга оширилади ва қўшни даврлар учун рўйхатга олиш оралиғи бир календар ойни ташкил қилади. Ҳар ойда 10 мингдан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари кузатилади ва 120 мингдан ортиқ нарх котировкалари қайд этилади.

ИНИни шакллантириш қуйидаги иккита маълумотлар манбаси асосида амалга оширилади:

1) уй хўжалиқларида ўтказиладиган танланма кузатувлар маълумотлари асосида шаклландиган аҳолининг истеъмол харажатлари таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

2) ҳудудлар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, намуна товарлар танланмаси доирасида нархларни қайд этиш маълумотлари.

Шундай қилиб, ҳар бир позициянинг (бўлим, гуруҳ, аниқ товар ёки хизмат) йиғма кўрсаткич ўзгаришига таъсири позициянинг нарх ўзгаришлари ва харажатлар таркибидаги салмоқ вазнидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

2021 йилдан бошлаб, ИНИни шакллантириш ЎзР МИИТ асосида амалга оширилади.

**ЎзР МИИТ** – Ўзбекистон Республикасининг Мақсадлар бўйича истеъмол таснифлагичи миллий ҳисобларнинг таркибий қисми ҳисобланган БМТнинг Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифи – 2018 (Classification of Individual Consumption According to Purpose (COICOP) 2018) асосида ишлаб чиқилган. ЎзР МИИТ статистика фаолияти соҳасида фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, ИНИ, уй хўжалиқлари статистикаси, ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) халқаро таққослаш дастурларида ва унинг компонентлари бўйича харажатларни ҳисоблаш учун статистик базани шакллантириш мақсадида маълумотларни таснифлаш ва кодлаштиришда фойдаланилади.

**Нарх** – товар бирлиги миқдори учун маълум бир валюта (миллий ёки халқаро) пул бирлигида ифодаланган товар қийматининг ифодаси.

**Қиёсий нарх (муомаладаги нарх)** – айнан бир савдо объекти ва пуллик хизмат соҳасида рўйхатга олинган бир хил ёки сифати бўйича айнан ўхшаш товар (хизмат, маҳсулот тури) нархи.

**Рўйхатга олиш нархи** – сифати, сотиш шартлари ва давр оралиғи аниқ белгиланган муайян бир товар, маҳсулот ёки хизмат турига тўланган пул бирлиги миқдори.

**Нархларни рўйхатга олиш** – шакллантирилган товарлар (хизматлар) тўпламига киритилган товарлар (хизматлар) нархлари тўғрисида маълумот тўплаш усули.

**Нархлар даражаси** – муайян вақт, маълум бир ҳудудда, худди шундай истеъмол хусусиятлари билан товар ва товарларнинг умумий таркибида нархларнинг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткич. Нархлар даражасини баҳолаш нархларни статистик ўрганиш босқичларидан бири бўлиб ҳисобланади.

**Ўртача нарх** – маълум вақт ёки макондаги бир турга мансуб товарлар гуруҳидаги нархларнинг ўзгаришини умумлаштириш характеридаги нарх. Статистик тажрибаларга асосан, дастлабки маълумотлар ҳамда уларни шакллантириш тартибига кўра ўртача нархларни ҳисоблашнинг турли усуллари мавжуд.

**Мавсумийлик** – ўзгарувчан фасллар, дон, сабзавот ва меваларни пишиб етилиш даври, уларни қайта ишлаш, муайян ишларни бажариш, шунингдек, урф-одатлар, байрамлар ва бошқалар билан боғлиқ такрорий ўзгаришлар.

**Индивидуал нарх индекси** – ўрганилаётган бир элементнинг жами нархлари ўзгаришини акс эттиради (аниқ турдаги товар, хизмат) ва индивидуал ҳодисани тавсифлашда фойдаланилади.

**Жамланган (йиғма) нарх индекси** – алоҳида кичик гуруҳлар, гуруҳлар ёки ўрганилаётган жараёнлар бўйича умумий ҳисобда нархлар ўзгариши даражасини тавсифловчи ва индивидуал нарх индекслари асосида шаклланувчи нисбий кўрсаткич.

**Қисқа муддатли нарх индекси** – ўтган ойга нисбатан нарх индекси.

**Ишлаб чиқарувчи нархи** – ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти бирлигининг корхона “дарвозалари”дан чиққан вақтидаги, маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан харидорга йўналтирилиши билан боғлиқ қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, бошқа қўшимча солиқлар, савдо, сотиш устамаси, транспорт ва бошқа харажатлар ҳисобга олинмаган нархи.